БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 175 (3657). | Сешанба, 5 Сентябрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Хўжаликларнинг раҳбарларини, бригада ва звеноларнинг бошлиқларини йиғим-теримда юксак интизом ва уюшқоқликни таъминлашга, машиналар ишлайдиган жойларнинг пахтасини қўлда терилишига йўл қўймасликка, механизаторлар ва теримчиларнинг юксак унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришга, далада иссиқ овқат ташкил қилиш, медицина ва савдо хизматини йўлга қўйиш, механизаторлар ва теримчиларнинг маданий хордиқ чиқаришини таъминлаш, болалар муассасалари ишига алоҳида эътибор беришга даъват этамиз.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатидан).



ҲАСАН ОДИЛОВ шу кунларда Тошкент ГРЭСи 7-блокини монтаж қилишда зўр ғайрат ва шижоат кўрсатаяпти. Ҳасанга ўхшаш илғорлар бу ерда оз эмас. Улар барча имкониятларни ишга солиб навбатдаги блокни Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейигача фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

4 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми очилди.

Пленум ишида қатнашмоқ учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ҳамда Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари билан бир қаторда область партия комитетларининг саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари таклиф қилинган.

Пленум кун тартибида қуйидаги масалалар бор:

1. Республика колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида.

2. КПСС XXIII съезди қарорлари асосида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада илмий техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. МАТЧОНОВ кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ғаллаорол район партия комитетининг биринчи секретари Ф. ХИДИРОВ, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. ШАМСИДДИНОВ, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари С. АСОМОВ, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. МАҲМУДОВ, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. МУРТАЗОЕВ, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Э. ШАЙХОВ, Ўзбекистон ССР ғалла маҳсулотлари ва омихта ем саноати министри М. ҚУРБОНОВ, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. МУРОДОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари А. УРКИНБОЕВ, «Савай» совхозининг директори У. САРИМСОҚОВ, Хоразм область партия комитетининг секретари Р. ИШЧОНОВ, лалми деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг директори Г. ОТАБОЕВ, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси И. В. БАБКОВ қатнашди-лар.

СССР Қишлоқ хўжалик министри В. В. МАЦКЕВИЧ, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. АЛЕКСЕЕВСКИЙ пленум ишида қатнашиб, музокарада сўзга чиқдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг сектор мудири А. М. БОРИСЕНКО, Туркманистон ССР қишлоқ хўжалик министри К. Д. САХАТМУРОДОВ қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.



ҚЎПЛАР қатори Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг пахтакорлари ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар. Суратда: механизатор-звено бошлиғи Пирмат Давлатов колхознинг бир группа механизаторларига Мурожаатни ўқиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

ЧЕВАР ҚЎЛЛАР

ЧИНОЗ, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Охунбобоев номли колхозининг далаларида йиғим-терим бошланиб кетди. Пахта теримида ўнлаб колхозчилар актив қатнашмоқдалар. Шунисн қувончлики, дастлабки кунлардан бошлаб теримчилар суръатга суръат қўшаётирлар, нормаларини ошириб бормоқдалар. У. Кунгеров, А. Пўлатов, Л. Устабобоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган участкалар олдинда кетишмоқда. Кўпгина колхозчилар кунига 100 килограммдан ошириб пахта теришмоқда. Умри Зулфиқорова ўтган кун 110 килограмм, кеча эса 120 килограммдан ошириб пахта терди. Санобар Шеримова, Қумри Бўронбоева каби теримчилар ҳам 103 килограммдан ошириб пахта термоқдалар.

ФАН ЙЎЛИДА ЖАСОРАТ

Ўзбекистон олимларининг оқсоқоли Т. Н. Қориниёзов етмиш ёшга тўлди. У ўз умрининг эллик йилини фанга хизмат қилиш, олимларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштиришдан иборат буюк ишга бағишлади.

4 сентябрда Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Катта академик театрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, профессор Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзовни муборакбод қилишга бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов тантанали мажлисни очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қориниёзовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттиради. Ш. Р. Рашидов гулдурос қарсаклар остида юбилярнинг кўкрагига Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва болға» олтин медалини тақиб қўяди.

Ш. Р. Рашидов туғилганига 70 йил тўлганлиги ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги билан Т. Н. Қориниёзовни ғоят самимий қутлайди.

— Сиз тақдирланган юксак мукофот,— деди у.—Ватан олдидаги сизнинг катта хизматларингизни ҳамманинг тан олиш ифодаси, сизнинг фидокорона меҳнатингизга ва республикада маориф, фан ҳамда маданиятни ривожлантириш ишига сиз қўшган ҳиссага берилган муносиб баҳодир.

Биз бугун содиқ дўстимиз ва ўртоғимиз, ғоят самимий ва оташ қалб, равшан ақл ва кенг билим эгаси, софдил ва большевистик принципиал ходим, талантли ташкилотчи, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, атоқли совет олимини муборакбод қилмоқдамиз.

Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми номидан, республика партия ташкилоти, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан Т. Н. Қориниёзовни табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, катта бахт ва илмий ҳамда ижтимоий фаолиятида янги муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Сариимсоқов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қориниёзовнинг илмий педагогик, ижтимоий ва давлат фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Республика фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов юбилярни республика олимлари, унинг жуда кўп шогирдлари номидан самимий кутлаб, унга фан соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Қозоғистон ва Тожикистон олимларининг вакиллари Ўзбек академигини қутлаш учун бу ерга келишди. Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. А. Жутиков ва Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Мирзоев юбилярни табриклайдилар. Тошкент областидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Абдуллаев олимни самимий қутлайди. «Ташкенткабель» заводининг коллективи юбиларга ўз қутловлари ва яхши истакларини юборган. Завод директори К. Ф. Сафонов ана шу қутлов ва тилакларни топширади.

Республика ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин юбилярга қизғин қутлов ва энг яхши истаклар билдириб мурожаат қилади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Хўжаева республикадаги барча педагогларнинг улкан дўстини қизғин табриклайди.

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг студенти М. Ғиёсова ёшларнинг улкан дўсти ва мураббийсини юбилей билан қутлайди.

Кечада мамлакатнинг турли томонларидаги олимлар, маданият арбоблари юбиляр номига йўлланган жуда кўп табрик телеграммалари ўқиб берилди.

Академик Т. Н. Қориниёзов ўз жавоб нутқида меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун жонажон партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдиради. У ўз хаётининг ана шу бахтли кунида ўзига самимий истаклар билдирган тантанали мажлиснинг барча қатнашчиларига ҳам ташаккур изҳор қилади.

Тантанали мажлисдан кейин Ўзбекистон санъат усталари Т. Н. Қориниёзова тўхфа қилиб катта концерт кўйиб бердилар. (ЎзТАГ).

КАТТА ТЎЙГА КАТТА ТЎЁНА

Йигирманчи асрнинг буюк воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли эллик йиллик тўйи тобора яқинлашмоқда. Барча совет кишилари, прогрессив инсоният бу шодиёна кунни ошиқиб кутмоқда. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхоз далаларида, конлар ва қурилишларда, олимлар лабораторияси ва шоирлар идхомида бу буюк санага муносиб совға тайёрлаш ҳаракати, ғайрати жўш урмоқда.

Областимиздаги саноат корхоналарининг коллективлари, колхоз ва совхозларнинг механизатсевар кишилари ҳам кўпчилик қатори умумхалқ мусобақасига қўшилиб, шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат кўрсатмоқдалар, янгидан-янги меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ юбилей йили мажбуриятларни ошириб бажарилаётганлиги тўғрисида ғалаба рапортларининг оқими кўпаймоқда. Областимизда пилла ва ғалла тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Саноат корхоналарида саккиз ойлик топшириқлар муваффақиятли адо этилди. Қатор хўжаликлар халқимизга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан берилган планни шараф билан адо этмоқдалар. Кечагина Калинин район колхозлари сабзавот тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли адо этдилар.

Юртимизда бўладиган мисли сиз катта байрамни муносиб нишонлаш учун бошланган курашкуч сайини кучаяётган бир пайтда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикадаги барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, барча меҳнаткашларига қарата Мурожаати эълон қилинди. Областимиз механизаторлари ва барча пахтакорлари бу Мурожаатни қизғин кутиб олдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари Мурожаатга жавобан ҳамма жойда дала ишларини қизитиб юбориш, юбилейга муносиб совға тайёрлаш иштиёқида бир ғайратларига ўт ғайрат қўшиб ишга киришиб кетдилар.

Мурожаат, айниқса, пахтакорларни яна ҳам ғайратлантириб юборди. Бу йил қатор табиий офатлар юз беришига қарамай областимиз пахтакорлари барча далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Улар улуғ давлатимизнинг улкан тўйини муносиб кутиб олиш учун сув тошқинини ҳам, дўл ва селни ҳам писанд қилмадилар. Бунда халқимизнинг оташин бирлиги, коммунистларининг авангардлиги, энг муҳими коллектив тузумнинг аҳил ва афзалликлари катта роль ўйнади. Табиий офатдан зарар кўрган қишлоқлар ва районлар ҳамма вақт жонажон партиямиз ва севикли ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигини доимий сезиб турибдилар. Ана шу ёрдамга таянган ва Коммунистик партиянинг илҳомбахш чақириқларидан мадад олган кишиларимиз чарчаш нималигини билмай меҳнат қилдилар.

Ҳозирги пайтда пахта терими, халқимиз ғурур билан «оқ олтин» деб атаган пахта терими областимиз далаларида тобора қизғин тус олаётир. Республикамизнинг 4 миллион тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган областимиз механизаторлари бу йил етиштирилган ҳосилнинг қарийб учдан икки қисмини машиналарда териб беришга қарор қилдилар. Областимиз «оқ олтин» денгизида бу йил 4 миллиард яқин «зангори кема» сузиб юради. Республикамизга донги кетган Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова ва унинг ҳамкасблари юбилей йилида ўтган йилларгидагига қараганда ҳам машина билан кўпроқ пахта теришни мўлжалламоқдалар.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатида аввало шонли механизаторларга мурожаат қилинади. Жумладан Мурожаатда бундай дейилади:

«Сизлар қаҳрамонона меҳнатларингиз билан деҳқонларимизнинг ишончини шараф билан оқламоқдасиз. Сизларнинг маҳоратингиз, талантингиз бу йил мўл ҳосил етиштиришда пахтакорларга мадад бўлди. Эндиликда ҳосилни вақтида йиғиб-териб олишнинг муваффақияти ҳам кўп жиҳатдан сизларга боғлиқдир».

Халқ ишончини оқлаш, партия ишончига сазовор бўлиш учун дала гвардиячилари ҳисобланган механизаторларимиз янада фидокорлик кўрсатишлари, техникани ўз вақтида теримга тайёрлаш ва терим кунларида «зангори кема»ларнинг тўхтовсиз ҳамда унумли ишлашини таъминлаши зарур.

Далаларимизда терим машиналари колонналарининг саф тортишига яқин қолди. Ҳозирги пайтда ҳар бир механизатор ва ремонтчи машиналарни пухта ремонт қилиш учун курашиши, машинага ажратилган далаларни механизмларнинг нормал ишлашига мослаб тайёрланиши керак. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, район партия ва совет ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари ҳар бир агрегатга иккитадан механик-ҳайдовчи бўлишини таъминлаш учун кадрларни пухта тайёрлашга эътиборни кучайтиришлари лозим. Тайёргарлик ишларини шундай олиб боришликки, машиналар икки сменада ишлайдиган бўлсин ва уларнинг ҳар бири билан кунига камида 3—4 тоннадан пахта теришга эришилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз Мурожаатларида таъкидлашларидек мамлакатимизга кўп пахта, пахта бўлганда ҳам сифатли пахта керак. Уни кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиш, ҳосил нобудгарчилигига мутлақо йўл қўймаслик, биринчи кунларданоқ терим ишлари суръатини кучайтириб уни қисқа муддатда ўтказиш учун курашиш зарур.

Ҳўжаликларнинг раҳбарлари, звено бошлиқлари пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларининг ходимлари, коммунист ва комсомоллар аввало ўз зиммаларига олган вазифани муваффақиятли адо этиш учун курашишлари керак.

Областимиз механизаторлари ва колхозчилари катта тўйга катта тўёна тайёрлашга аҳд қилган эканлар, бунга эришиш учун ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилиш талаб ғалаба байроғини баланд кўтаринг!

ТАСС АХБОРОТИ

1967 йил 3 сентябрдан 30 октябргача бўлган давр ичида Совет Иттифоқига Тинч океан акваториясининг 40 денгиз миляси радиуси донраси билан чекланган ва марказининг координатлари шимолий кенгликнинг 37 градус 18 минути ва шарқий узунликнинг 172 градус 45 минути бўлган, шунингдек марказининг координатлари шимолий кенгликнинг 32 градус 30 минути ва шарқий узунликнинг 173 градус 45 минути бўлган районларига учирувчи ракеталар учирилади.

ТАСС шуни айтишга вакил қилинганки, Совет Иттифоқи ҳукумати хавфсизликни таъминлаш учун Тинч океандаги денгиз ва ҳаво йўлларидан фойдаланувчи бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларидан акваторияларга ва ҳаво бўшлиғининг ана шу районларига ҳар куни маълум вақт билан кунларнинг иккинчи ярмида соат 12 дан 24 гача кемалар ва самолётларнинг кирмаслиги тўғрисида тегишли органларга кўрсатма беришларини сўрайди.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1967 йил 4 сентябрь № 224 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ҲАҚИДА ВА ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИҚ ТЎҒРИСИДА

Умумий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунга мувофиқ буюраман:

1. Қонунда белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган солдатлар матroслар, сержантлар ва старшиналар Совет армияси, Ҳарбий Денгиз флоти, чегара ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи моддасида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар бўшатилиши муносабати билан 1948 йилда туғилган, имтиёз олиш ва чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек чақириқ ёшида бўлган, чақирикни кечиктириш муддати тугаган ва тенгдошлари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган гражданлар Совет армияси, Ҳарбий Денгиз флоти, чегара ва ички қўшинлар сафига ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Ушбу буйруқ ҳамма роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи маршали А. ГРЕЧКО.

БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЛҚАРО СЕМИНАР

4 сентябрда Тошкентда мактаб ёшигача бўлган болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг овқатланиши ва тарбияланиши проблемалари юзасидан халқаро семинар ўз ишини бошлади.

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи ижроия комитети раисининг ўринбосари Ф. Г. Захаров семинарни очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов республика ҳукумати номидан нутқ сўзлаб, семинар қатнашчиларини ва улар орқали Осиё ҳамда Африканинг эрксевар халқларини табриклади.

Семинар ишининг биринчи кунида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри Қ. С. Зоиров республикада оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг иқтисодий ва социал шарт-шароитлари тўғрисида доклад қилди.

Кунниинг иккинчи ярмида чет эллик мехмонлар Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов билан учрашдилар. Улар шаҳарнинг турли районларида ҳам бўлиб, унинг диққатга сазовор жойлари билан, зилзиладан кейин Тошкентни тиклаш ишлари кандай бораётганлиги билан танишдилар.

Семинар Ўзбекистонда 15 сентябргача ўтказилади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VIII ПЛЕНУМИ

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОН ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. МАТЧОНОВ доклади

Ўртоқлар! Совет халқи ва бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик юбилейини тантанали нишонлайдиган улуғ айёмга икки ойдан сал кўпроқ вақт қолди. Бутун совет халқи қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия Марказий Комитетининг Совет ҳокимияти 50 йиллигига бағишланган Тезисларини қизғин маъқуллаб кутиб олди, бу ҳужжат КПСС XXIII съезди қарорлари асосида коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш йўлида бениҳоя зўр ижодий кучларини жўш урдириб юборди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, давлатга қоракўл тери, пилла ва бошоқли экинлар дони сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Гўшт, тухум, сут ва жун тайёрлаш ярим йиллик планларини ҳам муддатидан олдин бажардилар.

Далаларда пахта, шоли, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг мўл ҳосили етилиб пишаётган ҳозирги пайтда юбилей шарафига олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун курашнинг энг долзарб палласи бошланмоқда. Юбилей йилида социалистик мажбуриятларни маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича муваффақиятли бажариб, Ватанни қувонтириш — республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир партия комитетининг бурчидир.

Қишлоқ меҳнаткашлари ярим асрлик йўлни якунлар эканлар, ўз муваффақиятларининг натижаларини чуқур анализ қилмоқдалар, келажакка назар ташламоқдалар. Партия Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ғалла етиштиришни кўпайтириш ва мамлакатни ғалла билан узлуксиз таъминлаб туришдан иборат энг муҳим вазифага ҳамиша жуда катта эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги вақтда ҳам, КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, «Бутун қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий звеноси, чорвачиликни тез ривожлантиришнинг базаси — дон етиштиришни жадал суръатлар билан юксалтиришдир».

Партиянинг XXIII съездида дон етиштиришни янада кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилди. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми КПСС Программасини ва съезд қарорларини амалга ошира бориб, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун ерларни мелиорация қилишни кенг кўламда ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март ва сентябрь Пленумлари ишлаб чиққан иқтисодий ва ташкилий чоралар негизида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш йўлини давом эттирди.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатни пахта билан тобора кўп миқдорда таъминлаб туриш республика барча меҳнаткашларининг энг муҳим интернационал бурчидир. Партия ташкилоти ана шу асосий вазифани ҳал қилар экан, чорвачилик маҳсулотлари, бошқа барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни янада кўпайтириш учун янгидан-янги резерв ва имкониятларни доимо қидириб топиши ва аввало лалмикор ерларда ва айниқса муттасил мўл ҳосил олиш имконини берувчи суғориладиган ерларда дон етиштиришни янада кўпайтиришга эришиши лозим.

Кейинги 10 йил мобайнида республика колхоз ва совхозларида йилига ўрта ҳисобда 678 минг тонна дон етиштирилди. Ҳар бир колхоз ва совхознинг реал имкониятларини ҳисобга олиб, **дон етиштиришни анча кўпайтириш, келгуси йилдаёқ камида 1 миллион 200 минг тонна ва 1970 йилда 1 миллион 500 минг тоннагача буғдой, арпа, маккажўхори ва шоли олишни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Лалмикор ерлар бундан буён ҳам республикада товар ғалла олинадиган йирик манба бўлиб қолади. Лекин бу ерлардан, айниқса лалми ерларнинг қишлоқ хўжалик жиҳатидан энг унумдор тоғли зонасидан ҳали етарли даражада самарали фойдаланилаётгани йўқ. Шу вақтгача республикамизда асосан лалми ерларда экилаётган доннинг ҳосили муттасил бир хил бўлаётгани йўқ ва ҳар йилги ҳосил бир-биридан кескин фарқ қилиб турибди.

1957 йилда ҳамма ерларда 284 минг тонна буғдой ва арпа етиштирилган бўлса, 1958 йилда 523 минг тонна ҳосил олинди, 1961 йилда буғдой билан арпанинг ҳосили 286 минг тоннага тушиб қолди, 1964 йилда эса 1961 йилга нисбатан қарийб 3,7 баравар кўпайиб, 1 миллион 62 минг тоннага етди. Ўтган йили 534 минг тонна дон йиғиштириб олинди. Бу йил бўлса 1964 йилдагидан уч баравардан ҳам кам, яъни 300 минг тоннадан ҳам озроқ ҳосил олинди.

Умуман республика бўйича лалми ерлардаги донли экинларнинг сўнгги 10 йилдаги ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 8 центнер билан 2 центнер ўртасида ўзгариб турди. Бунинг асосий сабаби аввало ёғингарчиликнинг етарли миқдорда бўлмаганлигидир. Масалан, 1957 йилда октябрь-май ойлари ўртасида 200 миллиметр ёмғир ёққан бўлса, 1964 йилда 500 миллиметр, 1967 йилда 300 миллиметрга яқин ёмғир ёғди. Шу билан бирга ташкилотчилик ва агротехника ишидаги жиддий камчиликлар ҳам ҳосилдорликнинг паст бўлишига кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда.

Ғаллакор хўжаликларнинг кўпчилигида бошоқли экинлар сурункасига экилганлиги натижасида далани бегона ўт босиб кетмоқда, ер ориқлаб қолмоқда ва қурғоқчилик ҳосилдорликка зарар етказмоқда. Агротехника қоидаларининг қўпол равишда бузилаётганлигини ва ишларнинг сифати пастлигини, экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш муддатлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юборилаётганини кўрсатувчи жуда кўп фактлар ҳали ҳам бор. Кўпгина хўжаликларда уруғни яхши юмшатилмаган тупроққа саёз қилиб экилмоқда, тозаланмаган, кондициясиз уруғнинг экилишига йўл қўйилмоқда. Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё областларида бундай фактлар айниқса кўп. Каттақўрғон, Нарпай, Нурота районларининг хўжаликларида эса ҳосилдорлик неча йилдан бери сурункасига гектар бошига 1,5-2 центнердан ошмаётир.

Ўтган йили республика ҳукумати «Ўзбекистоннинг лалми ерларида деҳқончилик маданиятини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорда тупроқ ҳосилдорлигини оширишга, агротехниканинг прогрессив усулларини жорий этишга қаратилган тадбирлар системаси кўзда тутилди. Лекин бу қарор қониқарсиз бажарилмоқда. 1968 йил ҳосили учун республика колхоз ва совхозлари 135,4 минг гектар ерни қора шудгор қилиб қўйишлари лозим эди, амалда эса атиги 53 минг гектар, ёки 39 процент ер шудгор қилинди.

Бошоқли экинларни, айниқса кузги буғдойни қисқа муддатда экиб олиш шу экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга. Ғаллаорол нав синаш участкасида 18 йил мобайнида энг яхши агротехника муддатларида экилган кузги буғдойдан гектар бошига ўрта ҳисобда 15,8 центнер, баҳори буғдойдан 9,8 центнер ҳосил олинди. Умуман республикада сўнгги 10 йил ичидаги маълумотлар буғдойни кузда экиш дон ҳосилини 15-20 процент оширишни таъминлайди, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Тоғ ёнбағирлари ва адир зоналардаги лалми партов ерларнинг катта қисмини қишлоқ хўжалик оборотига қўшиш дон етиштиришни кўпайтиришнинг резервларидан биридир. Шу ерларни ўзлаштириш туфайли донли экинлар майдонини камайтирмаган ҳолда алмашлаб экишни ўзлаштириш, шудгор қилиб қўйиладиган ерларни кенгайтириш ҳамда буғдой ва арпа етиштиришни анча кўпайтириш мумкин.

Донли экинларни жўяк олиб экиш усулини кенг кўламда жорий қилиш катта резервдир. Лалмикор деҳқончилик институтининг тажриба базаси далаларида сўнгги 10 йил ичида жўяк олиб экилган дон экинларидан гектар бошига ўрта ҳисобда 21 центнер ҳосил олинди. Бироқ сеялкаларни қайтадан ускуналаш учун жуда кўп мосламалар бўлишига, камида 10 минг гектар ерга шу усулда дон экишимиз мумкинлигига қарамай, бу прогрессив усул институт даласидан ташқарига чиқаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалик министрлиги область партия ва совет органлари билан биргаликда бу усулни 1968 йилдаёқ кенг кўламда қўлланмоқ учун зарур чораларни кўради, деб умид қиламиз.

Бегона ўтларга қарши курашга ҳам эътибор бермоқ керак. Маълумки, ресурсларнинг камлиги сабабли республика лалмикор деҳқончилигига минерал ўғитлар ҳозиргача бермай келинди. Шу сабабли 1968 йил учун лалмикор экинларга 30-40 минг тонна суперфосфат бериш кўзда тутилмоқда. Бу ҳам бизнинг резервларимиздан бири бўлади.

1968 йилдаёқ лалми ерларда камида 650 минг тонна буғдой ва арпа, шундан Самарқанд областида 234 минг тонна, Қашқадарё областида 167 минг тонна, Сирдарё областида 136 минг тонна, Тошкент областида 72 минг тонна ва Сурхондарё областида 20 минг тонна буғдой ва арпа етиштирилиши лозим. Лалми ерларда шунча дон етиштириш учун кураш бутун республика партия ташкилотининг шон-шараф ишидир.

Суғориладиган ерлар республикада дон етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейинги давр ичида Ўзбекистонда суғориладиган ерлардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш чоралари кўрилди. Бизда суғориш тармоғи бўла туриб, фойдаланилмай ётган 110 минг гектар ернинг 60 минг гектардан кўпроғи 1966 йилда қишлоқ хўжалик оборотига қўшилди. Шунга эришмоқ керакки, яқин йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бермайдиган, бир гектар ҳам суғориладиган ер қолмасин.

Биз суғориладиган ерларда давлатнинг план-заказларини бажарибгина қолмасдан, чорвачилик эҳтиёжлари учун зарур ем-хашак запасларини ҳам яратиб қўйиш учун етарли миқдорда дон етиштиришимиз мумкинлигини 1964 йил тажрибаси яққол кўрсатди.

Бизнинг шароитимизда кузги бошоқли экинлар дони йиғиштириб олинганидан сўнг сўтаси дум-буллигида силос учун ўриб олинадиган маккажўхори етиштириш мумкин. 1964 йилда Вобкент районидаги Охунбобоев номли колхозда Очил Мўминов бригадаси 45 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан арпа олиб, шу ерларнинг ўзига арпа кетидан экилган маккажўхоридан гектар бошига 360 центнер силосбоп кўкпоя олди. Сариосиё районининг «Ленинград» колхозидаги Тўхта Ҳайиров бригадаси, Нарпай районининг «Коммунизм» колхозидаги Нормурод Эшдавлатов бригадаси ва бошқа кўпгина коллективлар ҳам шундай натижаларга эришдилар. Республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси — суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланиб, ҳамма жойда ана шу прогрессив тадбирни жорий этишдан иборат.

1968 йилда суғориладиган ерлардан экилган бошоқли экинлардан 200 минг тонна буғдой ва арпа етиштириш мўлжалланмоқда. 1968 йилда ҳам шу ерларда ана шунча миқдорда дон етиштириш мўлжалланмоқда.

Республика комсомолининг суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш учун юриш бошлаб кўрсатган ажойиб ташаббуси ўринсиз равишда унутиб қўйилди. Комсомол бу ҳаракатни жонлантириб юборади, республика партия ташкилотлари эса 1968 йилдаёқ комсомол-ёшлар бригадаларининг дон етиштиришни кўпайтириш мусобақаси оммавий тус олиб кетишида комсомолга ҳар томонлама ёрдам беради, деб ишонамиз.

Арпа билан буғдойни бедага қўшиб экишни кенгайтириш ҳам суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтиришнинг бошқа бир катта резервидир. Деҳқонлар асрлар мобайнида бедани суғориладиган ерларга донли экинлар билан бирга экиб келаётганликлари ҳаммага маълум. Фан билан практика бу усулнинг самарадор эканлигини исботлади. Ана шу доно ва фойдали традицияни қайтадан тиклаш лозим.

Республиканинг суғориладиган зонасида ҳар йили 100 минг гектарга яқин ерга беда экилади, шу ерларда биз 150 минг тоннага етказиб дон олишимиз мумкин. Шундай қилиш керакки, янгидан беда экиладиган ҳар гектар ерга бошоқли экинлар уруғи қўшиб сепилсин ва гектар бошига камида 15 центнер дон ҳосили олинсин.

Бу — энг оз ҳосилдорлик ҳисобланади. Тошкент насличилик совхози бу йил бедага қўшиб экилган 60 гектар ердаги арпадан гектар бошига 32 центнер ҳосил олди. 1-«Далварзин» совхозида, 1-«Боёвут» совхозида арпа ўриб олинган ҳар бир участкада дарҳол унинг сомони ҳам йиғиштирилиб, далага минерал ўғит солинади ва суғорилади. Одатда бу 3-4 кунда тугалланади ва июль охиридаёқ бу хўжаликлар бедани биринчи марта ўриб оладилар.

Аммо бир қанча хўжаликларда ана шу имкониятга етарли аҳамият берилмай келинмоқда. Бу ўринда Сирдарё области раҳбарларини қаттиқ танқид қилиб ўтмоқ керак. Бу йил шу областда 22 минг гектардан кўпроқ ерга беда экилди. Шу майдондан 40 минг тоннага яқин, яъни планнинг бажарилиши учун етмай қолган дон миқдорига яқин дон олиш мумкин эди.

Йирик пахтакор хўжаликлар аслида мутлақо беда экмаётганликлари сингари фактга ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Масалан Тўрткўл районидаги Димитров номли колхозда 1411 гектар пахта майдони бўлгани ҳолда, илгариги йилларда экилган беда майдони атиги бир гектарни ташкил этади. Қорақалпоғистон АССРнинг деярли ҳамма хўжаликлари ҳам бедага бошоқли экинлар қўшиб экишга эътибор бермаётирлар ва бу ерлардан дон олмаётирлар. Қашқадарё областидаги, шунингдек Фарғона, Андижон ва Хоразм областларидаги кўпгина хўжаликларнинг бедапоялари жуда кам. Буларнинг ҳаммасини бориб турган хўжасизлик деб, суғориладиган ерлардан, меҳнат ва маблағлардан норационал фойдаланиш деб баҳоламоқ керак.

Алмашлаб экиладиган далалардагина бедага бошоқли экинларнинг қўшиб экилиши лозим. Бу тадбир ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди вилтга қарши курашни самарадор қилади, чорва учун оқсилга бой озуқалар запасини яратишга имкон беради. Шартли суғориладиган ерлардан фойдаланишни ҳам яхшилаб, шу тариқа бу ерларда муттасил дон ҳосили етиштиришга эришмоқ керак. Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилаётган ерларида суғориш тармоғидан ҳали лойиҳадаги қувватгача фойдаланилаётгани йўқ, буғдой экиш учун тайёрлаб қўйилган ернинг ҳаммасига уруғ ташлаш ва бир-икки марта суғориб уни етиштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Шу туфайли бу ерларда йилига камида 30-35 минг тонна дон олиш мумкин.

Фойдаланилмай ётган яна бир резерв — маккажўхори билан оқжўхори экиш тўғрисида гапириб ўтмоқ керак. Бу экинлар йилига 180-190 минг гектар ерга экилади. Колхоз ва совхозларда шу экинлардан кейинги икки йил ичида 20 минг тоннадан камроқ ҳосил олинди. Давлатга маккажўхори донини сотиш эса 2,5-3,5 минг тоннадан ошмаётир.

Ўтган йили умуман республика бўйича маккажўхори ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда атиги 19,5 центнер бўлди. «Политотдел» колхозидаги Люба Ли бригадаси 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 62 центнер маккажўхори дони ва 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 628 центнер силосбоп кўкпоя йиғиштириб олди. «Сўх» совхозидаги ўртоқ Тўйчиев бригадаси 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 57 центнердан маккажўхори дони олди. Бошқа хўжаликлардан ҳам кўпгина шундай мисолларни келтириш мумкин.

Бизнинг шароитимизда маккажўхори силосбоп асосий экин эканлиги маълум. Кўп хўжаликлар силосбоп кўкпоядан мўл ҳосил олмоқдалар. Масалан, Ғиждувон районидаги Ленин номли колхозда К. Пармонов бошлиқ бригада 21 гектар ернинг ҳар гектаридан 687 центнер кўк поя олди. Умуман республика бўйича эса ўтган йили силос учун йиғиштириб олинган маккажўхори ҳосили атиги 157 центнер бўлди. Республика партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари маккажўхорига бўлган муносабатларини ўзгартиришлари ва бу экиндан кўпроқ дон ва силосбоп кўкпоя йиғиштириб олишга эришишлари лозим.

Ҳозир энг қимматли озиқ-овқат экини — шоли етиштиришни кўпайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ирригация қурилиши юзасидан КПСС Марказий Комитети 1966 йил май Пленуми қабул қилган программада шоли экиш учун ҳосилдор суғориладиган ерларнинг анчагина қисмидан фойдаланиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси шу йил март ойидаёқ республикамиздаги шоликорликнинг аҳволи тўғрисидаги масалани махсус муҳокама қилиб, шоли етиштиришни кўпайтириш йўлларини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг катта ёрдами натижасида кейинги йилларда республикада шоли етиштириш анча кўпайди. Қорақалпоғистон АССРда ташкил этилган ихтисослаштирилган совхозлар ҳозирги вақтда яхшилаб текисланган 12 минг гектардан ортиқ ерга шоли экмоқда. Хоразм, Тошкент, Сирдарё ва Фарғона областларида ҳам ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилди. Шу туфайли шоликорлик майдонларини 1958 йилдаги 30 минг гектардан 1966 йилда 60 минг гектаргача кенгайтириш мумкин бўлди. Шунга мувофиқ равишда шоли етиштириш 1958 йилдаги 57 минг тоннадан 1966 йилда 124 минг тоннага етказилди, 1967 йилда эса, камида 150 минг тонна шоли етиштирилди.

Кўпгина шоликор хўжаликлар йил сайин муттасил мўл ҳосил олиб келмоқдалар. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози сўнгги 10 йил ичида 1100 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 60 центнердан шоли олиб, катта муваффақиятларга эришди. Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», «Северний маяк», Ленин номли ва Энгельс номли колхозлар, Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз ва бошқа хўжаликлар гектар бошига 45-50 центнердан ва ундан ҳам ошириб шоли олмоқдалар.

Лекин республика колхоз ва совхозларининг кўпчилигида шоли ҳосилдорлиги пастлигича қолмоқда. Ўтган йили гектар бошига ўрта ҳисобда 20 центнер, совхозларда эса, атиги 18,7 центнер ҳосил кўтарилди. Фарғона областида шоли ҳосилдорлиги гектар бошига 10,7 центнер, Андижон областида эса атиги шоли ҳосилдорлиги гектар бошига 9,9 центнер бўлди. Бундай паст ҳосил олинганлиги натижасида ўтган йили республикада шоли етиштириш плани бажарилмади.

Шоли етиштиришни ташкил этишда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар бор. Кўпгина хўжаликларда шолини мавсумий ишчилар кучи билан етиштириш одат тусига кириб қолди. Техника, уруғлик, сув ва ўғитлар ўз вақтида ажратиб берилмайди. Айрим колхоз ва совхозларда ер ва маҳсулотни талон-торож қилиш фактлари учраб турибди. Шоликор хўжаликлар доимий ишлайдиган шоликор кадрлар билан жуда ёмон таъминланганлиги ишчи кучининг қўнимсизлиги суиистеъмолга олиб борувчи жиддий нуқсонлардир. Меҳнат сарфини ҳисобга олиш иш ҳақи ва олинаётган ҳосилни ҳисоблаш қониқарсиз аҳволда эканлигига ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Шоли етиштиришни планлаштиришдаги яроқсиз практикага ҳам ҳалигача барҳам берилган эмас. Ҳатто серҳосил колхозларда ҳам ҳар йили эришилган натижага нисбатан камроқ ҳосил олиш планлаштирилмоқда.

1962—1964 йилларда тузилган 15 та ихтисослаштирилган йирик шоликорлик совхози ва 4 та колхозда шоли етиштиришни кўпайтириш учун каттагина имкониятлар бор. Шу хўжаликларнинг 130 минг гектардан ортиқ ғоят серҳосил ери ҳам бор. Лекин ҳозирги вақтда шу майдонларнинг атиги 20 проценти шоли етиштиришга тайёрланган бўлиб, шу ернинг ўзидан фойдаланиб турилибди. Башарти хўжаликлар лойиҳадаги қувват билан ишлайдиган бўлса, ҳар бир совхоз камида 10 минг тонна шоли етиштириб бера олади.

Бироқ, шоликор совхозларни қуришда ва ерларни ўзлаштиришда жиддий камчиликлар бор. «Средазирсовхозстрой», республика Қишлоқ хўжалик, қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Узглавводстрой» ҳар бир шоликор совхоз бўйича яқин 2-3 йил ичида уларни қуриб битказиш имконини берувчи тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур. Лойиҳалаш сифатини ҳам ошириб, уни анча тежамли қилиш керак.

Бу йил «Средазирсовхозстрой»га қарашли совхозлар 30-35 минг тонна шоли йиғиштириб олишни таъминловчи дуруст ҳосил етиштирдилар. Ҳосил ўрим-йиғимига яхши тайёргарлик кўриб, уни нобудгарчиликсиз қисқа муддатларда ўтказиш, 1968 йилда шоли етиштиришни анча кўпайтириш учун келгуси йил ҳосилига тайёргарликни авж олдириб юбориш керак. Лекин шундай бўлса ҳам, «Средазирсовхозстрой» раҳбарлари давлатга шоли топшириш юзасидан ўзларига белгиланган планни камайтиришни республика Госпланидан илтимос қилиб юришибди. Пленум ишга давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қарамасликнинг бундай кўринишини қоралаши лозим. «Средазирсовхозстрой» раҳбарлари уз шаъниларига айтилган танқидий гаплардан тўғри хулосалар чиқариб олишлари лозим.

Бухоро областидаги «Қизил работ» совхозида, Хоразм областидаги «Янгиобод» совхозида, Сирдарё қайир ерларидаги хўжаликларда, Сурхондарё области колхозларида шоли етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Бунинг учун уларга сув чиқарувчи насослар ўрнатишда кўмаклашиб юборилса бас. Республика Министрлар Советининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш давлат комитети «Средазирсовхозстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари билан биргаликда шоликор совхозларни доимий ишчи кучи билан тўла таъминлаш чораларини кўришлари зарур.

Партия ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари шоли етиштириш, йиғиштириб олиш ва янчишнинг мамлакатнинг бошқа районларида қўлланилаётган прогрессив методларига кўпроқ эътибор беришлари керак. **1968 йилдаёқ колхоз ва совхозларда шолининг ялпи ҳосилини 175 минг тоннага, 1970 йилга борганда эса, 235 минг тоннага етказиш зарур. Республика бўйича шоли ҳосилдорлигини камида 30-35 центнерга етказиш энг муҳим вазифа бўлиб қолди.**

Уруғчилик тўғрисида бир неча оғиз сўз. Илмий-тадқиқот муассасалари билан қишлоқ хўжалик экинлари навларини синайдиган давлат комиссиялари берган маълумотлар навли уруғликлар билан экилган буғдой, арпа, шоли, маккажўхори ва оқжўхори қўшимча ҳосил беришини кўрсатди. Афсуски, кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ўзларини юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш тўғрисида дуруст қайғурмаётирлар, кейинги 10 йил ичида колхоз ва совхозларга давлат ресурсларидан 315 минг тонна уруғлик берилди.

Колхозларнинг бригадаларида, совхозларнинг бўлимларида уруғчилик бригадалари ташкил этиш керак. Йирик ғаллакор хўжаликларнинг ҳаммаси 1968 йилдан бошлаб соатига 20 тоннагача донни тозалаб бера оладиган пунктлар қуришга киришишлари зарур. «Ударник», «1-«Ғаллаорол», Карл Маркс номли совхозларда шундай пунктлар қурилган ва ишлаб турибди. Бунинг натижаси жуда яхши бўляпти.

Партия ва ҳукуматнинг кундалик ғамхўрлиги туфайли ҳозир республика колхоз ва совхозлари ихтиёрида 133 мингтадан ортиқ трактор (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда), 4 мингтадан ортиқ ғалла комбайни салкам 5 мингта дон сеялкаси, мингтага яқин дон тозалаш машинаси, кўпгина бошқа мураккаб қишлоқ хўжалик техникаси бор.

Лекин машина трактор паркидан фойдаланиш даражаси ҳали ҳам паст. Мавжуд комбайнлардан фойдаланиб бу йил дон ҳосилини 20 иш кунида батамом йиғиштириб олиш мумкин эканлигини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Лекин донни йиғиштириб олиш ўтган йиллардаги сингари 45 кунгача чўзилиб кетди. «Узсельхозтехника» органлари ғаллакор хўжаликларга лозим даражада эътибор бермайди.

Ғаллачилик хўжалигини комплекс механизациялаш масалалари партия комитетларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг диққат марказида туриши керак. Кўпгина хўжаликлар суғориладиган ерларда бошоқли дон экинларини ва шолини кичик-кичик майдонларда етиштираётганликларини ва уларнинг дон ўриш техникасини сотиб олишлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини ҳисобга олиб, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ана шу хўжаликларда донни йиғиштириб олиш ва янчиш учун ўз системасида махсус отрядлар тузиши зарур. Ғаллакор ва айниқса шоликор колхозлар билан совхозларни ғаллачилик хўжалигини комплекс механизациялаш учун керакли техника билан қуроллантириш, уларни запас қисмлар билан узлуксиз таъминлаб туриш ишини яхшилашлари лозим.

Шоли, маккажўхори ва бошқа хашаки экинларга солиш учун минерал ўғитлар ажратиб берилаётган бўлса ҳам, улардан кўпинча бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон ССР ғалла маҳсулотлари ва омихта ем министрлиги дон тайёрлашни ташкил этишда катта роль ўйнайди. Ҳолбуки бу министрлик колхоз ва совхозларнинг шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришларига дуруст таъсир қилмаётир, тайёрланаётган доннинг сифатини, навли уруғликларни сақлаш ва уларни дорилашни яхши контроль қилмаётир. Аслида бу министрлик ўз вазифасини дон қабул қилишнинг ўзи билан чеклаб қўймоқда. Дон қабул қилишнинг ўзида ҳам жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликларнинг энг каттаси шундан иборатки, колхоз ва совхозлардан дон қабул қилиб олиш ишлари яхши механизациялаштирилган эмас. Донни тозалаш ва уни саноат кондициясига етказиш, шунингдек уруғликни тозалаш ишлари кўчма машиналарда жуда кўп қўл кучи сарфлаб бажарилмоқда. Доимий механизацияга ўтиш, уруғлик тозалайдиган — қуритадиган махсус пунктлар қуришни бошлаб юбориш лозим.

Ғалла маҳсулотлари ва омихта ем саноати министрлиги ишлаб чиқаришга ҳам активроқ таъсир ўтказиши, тайёрлов тармоғи ишидаги мавжуд камчиликларни тугатиши, капитал маблағлардан яхшироқ фойдаланиши зарур. Қурилиш министрлигининг пудратчи ташкилотлари тегирмон комбинатлари қуриш планларини йилдан-йилга бажармай келмоқдалар, шунинг оқибатида республикада ун тортиш имкониятлари чекланиб қолмоқда, кўп миқдордаги дон чиқитлари ва омихта ем нобуд бўлиб кетмоқда. «Узбекгидроэнергострой» Қорақалпоғистон АССРда шоли оқлаш заводи қуриш ишларини дуруст олиб бормаётир, Қишлоқ қурилиши министрлиги эса, дон омборлари қуриш планларини бажармаётир. Ана шу муҳим объектларни қуришни жадаллаштириш чоралари кўрилиши керак.

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтлари дон етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнашлари керак. Лекин биз уларнинг шаънига бир қанча танқидий мулоҳазалар айтмоқчимиз. Кейинги 16 йил мобайнида буғдойнинг биронта янги нави районлаштирилгани йўқ, арпанинг нави районлаштирилганига 11 йил бўлди. Лойиҳалаш ташкилотларига ҳам, Амударё этакларидаги шоликор совхозларга ҳам илмий тавсиялар берадиган тажриба ишлари ва тадқиқотларнинг миқёси мутлақо етарли даражада эмас. Маккажўхори, беда ва бошқа экинлар агротехникасига доир тадқиқот иши дурусат координациялаштирилаётгани йўқ. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва экономика илмий-тадқиқот институтлари баҳорикор деҳқончиликка доир тадқиқотларни олиб бормаётганлиги тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Илғор ғаллакор хўжаликлар тажрибасини кенгроқ пропаганда қилиш суғориладиган ва лалми ерларда дон етиштиришни кўпайтириш резервларига оид асарларни тайёрлаш ва нашр қилиш керак.

Республиканинг қишлоқ хўжалик ўқув юртлари ҳар йили уч мингдан ортиқ агроном, зоотехник, механизатор ва бошқа мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Лекин қишлоқ хўжалик органлари ғаллакор хўжаликларга мутахассисларни ҳали ҳам кам юбормоқда. Бунинг устига бир қанча ғаллакор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳам олий ўқув юртларига, техникумларга ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларига ўз стипендиатларини юборишмаётир. Шунинг натижасида кўпгина хўжаликлардаги бўлим бошқарувчилари, бригадирлар орасида мутахассислар жуда оз. Шоликор хўжаликларда механизатор кадрлар, айниқса комбайнчилар ҳам етишмаётир. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан «Средазирсовхозстрой» ана шу камчиликларни тугатиш ғамини ейишлари керак. Партия комитетлари ғаллакор хўжаликларни мутахассис ва механизатор кадрлар билан мустаҳкамлаш ишини қаттиқ контроль қилиб туришлари зарур.

Сўнгги йилларда партия билан ҳукумат ғаллакор хўжаликларнинг колхозчилари ва совхоз ишчиларининг дон ва шоли етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида муҳим чораларини кўрдилар. Вазифа шундан иборатки, ана шу стимуллардан ҳамма жойда ва тўғри фойдаланиладиган бўлсин. Ихтисослаштирилган шоликор бригадалар билан звенолар барча пахтакор колхоз ва совхозларда тузилиши лозим. Улар учун зарур техника ва минерал ўғитлар ажратиб берилиши, улар сув билан узлуксиз таъминлаб турилиши, пахтакорлар учун қандай моддий стимуллар яратилган бўлса, уларга ҳам шундай стимуллар яратиб берилиши керак.

Суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш тадбирларининг амалга оширилиши туфайли колхоз ва совхозлар 1968 йилдаёқ камида 550 минг тонна ялпи дон ҳосили етиштиришлари мумкин. **Ушбу пленумда кўриб чиқилаётган тадбирлар дон етиштиришни кўпайтириб, шу тариқа ҳар йил дон тайёрлаш планини албатта бажаришга, пландан ташқари донни оширилган нархлар билан сотишга, чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратишга қаратилган.**

Кейинги 5 йил ичида республика колхоз ва совхозлари давлат ресурсларининг ўзидан чорвага едириш учун 900 минг тоннага яқин ем сотиб олдилар. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир колхоз ва совхоз ўзини ўзи етиштирган ем билан тўла таъминлайдиган бўлсин, бу эса, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин арзонлаштириш, бу тармоқни рентабель тармоққа айлантириш имконини беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 1968 йилдаёқ биз камида 1 миллион 200 минг тонна дон етиштиришимиз лозим. Ана шу маррани яна қайтадан эгалламоқ учун ҳозирнинг ўзидаёқ техникани яхшилаб тайёрлаб қўйиш, уруғликни экиш мумкин бўлган кондицияга етказиш, кузги экинларни камида 850 минг гектар баҳорикор ерга қисқа муддатларда экиб олиш планини сўзсиз бажаришни таъминлаш зарур. Сентябрнинг иккинчи ярмидан кечиктирмай суғориладиган ерларга ҳам кузги экинларни экишга ҳамма жойда киришиб, буғдой билан арпани ўриб олгандан кейин, шу майдонларнинг ўзига 1968 йилда силос учун маккажўхори экиб қўйиш керак.

Ҳолбуки, кузги экинларни экиш учун тайёргарлик ишлари қониқарли олиб борилаётгани йўқ. Ерларнинг учдан бир қисми ҳайдаб қўйилди. Дон экадиган сеялкаларнинг ярмидан сал кўпроғигина шай ҳолга келтирилди. Хўжаликларда ғамлаб қўйилган уруғликнинг бор-йўғи 10 проценти экиш мумкин бўлган конденцияга етказилди.

Дон, жумладан шоли ва маккажўхори ҳамда оқжўхори тайёрлаш планини бажариш учун биз давлатга яна 100 минг тоннадан ортиқ ғалла сотишимиз лозим. Колхоз ва совхозлардаги 32 минг гектар маккажўхоризорнинг ҳосилини тўла етиштириб, давлатга камида 20 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони сотишимиз керак. Шолининг мўл ҳосилини йиғиштириб олишга ҳам яхши тайёргарлик кўриб, бу ишни қисқа муддатларда ўтказиш зарур.

Пленумда муҳокама қилинаётган масала катта давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Дон етиштиришнинг мўлжаллаб қўйилган ҳажми анча қийин, лекин бажариш мумкин бўлган вазифа бўлиб, бу планнинг адо этилиши бутун республика партия ташкилотининг жонажон ишидир.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлаётган республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган миқдорда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Юбилей йили пахтасининг дастлабки бир неча минг тоннаси ҳозирнинг ўзидаёқ давлат хирмонларига топширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республикадаги барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни Совет ҳокимиятининг шонли юбилейини муносиб кутиб олишга чақирди.

Партия ташкилотлари бу мурожаатни барча колхоз ва совхозларда кенг муҳокама қилишлари, уни ҳар бир қишлоқ меҳнатчисининг онгига етказишлари ва шу асосда социалистик мусобақани тағин ҳам кенг авж олдириб юборишлари лозим. Ҳосилни кўпи билан икки ой ичида териб олиб, давлатга топшириш, партияга, Ватанга, халққа берган сўзимиз устидан чиқиш учун теримнинг дастлабки кунлариданоқ пахтазорда меҳнат ғайратини оширмоқ лозим. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳар бир тури бўйича юбилей шарафига олинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш, Ватанга камида тўрт миллион тонна «оқ олтин» топшириш, лалмикор ва суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш ва ундан муттасил мўл ҳосил олиш тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-қувватларини сафарбар қиладилар деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Бу эса, бизнинг коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш ишига қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади. **(Қарсаклар).**

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР
МАҚОЛАЛАР
ВОҚЕАЛАР

АВСТРАЛИЯ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги ўн йил ичида Австралия иқтисодий тараққиётининг энг асосий ҳусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлди:

1) Монополистик капитализм янада ўсиб мустаҳкамланди;

2) Металл рудалар қазиб олиш тез кенгайиб борди;

3) Америка капиталининг кириб келиши кучайди ва 4) Япония билан иқтисодий алоқалар кенгайди. Япония Буюк Британиянни қисиб чиқариб, савдода Австралиянинг энг катта шериги бўлиб олмоқда.

Саноат асосий тармоқларидан олинган қуйидаги маълумотлар Австралиянинг иқтисодий тараққиёти давом этаётганлигидан далолат бериб турибди: 1961—1962 йиллардан 1965—1966 йилларгача бўлган давр ичида тошкўмир қазиб чиқариш 24,4 миллион тоннадан 32,2 миллион тоннага етди. Электр энергияси ҳосил қилиш 26,2 миллиард киловатт-соатдан 38 миллиард киловатт-соатга етди; пўлат эритиш тўрт миллион тоннадан 5,5 миллион тоннага; Цемент ишлаб чиқариш 2.7 миллион тоннадан 3,6 миллион тоннага етди.

Австралия экономистларидан И. Л. Уилрайт билан Жудит Мискелли яқинда Австралиядаги 300 та энг йирик саноат компаниясининг акциячилик мулки ва бу компаниялардаги контролнинг ҳаволини ўрганиб чиқдилар. Уларнинг тадқиқотлари бу мулкнинг бир ҳовуч кишилар қўлида тўпланганлигини кўрсатди. 299 та энг йирик акционер бутун акциялар капиталининг 40 процентини қўлга киритиб олган.

Акцияларнинг оз кишилар қўлида бу қадар жамланиб қолишига сабаб шуки, бир ҳил компанияларнинг жуда кўп акциялари бошқа компанияларнинг мулкига айланган. Ленин ўзининг «Империализм—капитализмнинг юқори босқичи» деган ажойиб асарида бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетларини қўлга киритиб олган компаниялар монополистик капитализм структураси доирасида муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор берган эди. Бундай «холдинг-компаниялар» ўзлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдилар, аксинча бевосита ишлаб чиқаришда қатнашувчи компаниялардаги ўз акцияларига келадиган даромадларни ола берадилар. Кичик бир группа саноат корхоналари устидан молиявий ҳокимиятини кенгайтириш учун ана шундай юридик тузоқдан фойдаланади.

Акцияларнинг контроль пакетлари асосан чет эл корпорациялари қўлида. Уилрайт билан Мискеллининг таъкидлаб ёзишича, ана шу асосий саноат компанияларининг мулкларига дахлдор энг муҳим факт айни шундан иборат бўлиб, улардаги ҳамма акцияларнинг тахминан 36 процента чет элликлар қўлидадир.

193 та компаниядаги акцияларнинг деярли ҳаммаси чет элликлар қўлига ўтиб кетган. 108 компаниянинг акциялари англичанлар қўлида, 74 компаниянинг акциялари шимолий америкаликлар қўлида ва қолган 11 та компанияннг акциялари швейцарлар, голландлар, немислар ва французлар қўлида турибди.

Бу ерда энг кўп капитал маблағга эга бўлган икки мамлакат—Англия билан Қўшма Штатлар чет элликларга тегишли барча акцияларнинг 95 процентига эгадирлар. Бу капитал ҳар иккала мамлакатга баббаравар — 704 миллион доллардан тўғри келади. Америка капиталлари асосан автомобиль, нефть, химия ва озиқ-овқат саноатида, рангли металлургия ва қишлоқ хўжалик машинасозлигида тўпланган. Англия эса нефть, химия, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатига, қора металлургияга ва электр машинасозлигига маблағ солган.

Урушдан кейинги йилларда Австралияда жуда бой темир руда, нефть ва боксит конлари топилди. Австралияда қидириб топилган темир руда запаслари ҳозирги вақтда 15 миллиард тоннага боради, деб чамаланмоқда ва дунёдаги энг катта кон деб ҳисобланмоқда. Афтидан Австралияда бокситнинг дунёда энг катта запаслари ҳам бор. Шимолий Австралиянинг учта районидаги боксит конларининг жами запаси тахминан 600 миллион тоннага боради, яқиндагина Ғарбий Австралиядаги Кимберли районида яна бир катта боксит кони топилди.

Янги очилган темир-руда ва боксит конлари мавжуд саноат марказларидан йироқда жойлашган. Яқин вақтларгача бу районларда чорва боқилар эди холос. Ана шу бой конлардан фойдаланувчи корхоналар барпо этилиши оқибат натижада Австралия саноати ва аҳолисининг географик жиҳатдан ҳозирги нотекис, таксимланишини ўзгартириб юборади ва Квинсленд ҳамда Ғарбий Австралия сингари штатларнинг саноат жиҳатдан янги жанубий Уэльс ва Виктория штатларига нисбатан қолоқлигини тугатишга ёрдам беради.

Янги Жанубий Уэльсда ва анча аввал осонгина қазиб чиқариладиган тошкўмир кони очилганлиги туфайли бу штат ҳозирги вақтда энг юксак даражада индустрлаштирилган штат бўлиб қолган. Квинслендда тошкўмирнинг катта запаслари борлиги эндиликда аниқланди. Бу кўмир ҳозир Японияга сотилмоқда. Квинсленддa, Ғарбий Австралияда ҳамда Виктория ва Жанубий Австралия соҳиллари яқинидаги денгизда нефть ва табиий газ конлари очилганлиги ҳам ўзгаришларга сабаб бўлади.

Темир-руда ва, бокситнинг мазкур катта конлари борлиги азалдан маълум эди. Лекин уларни аниқлаш ва ишга тушириш учун лозим бўлган катта капиталларни сарфлаш кейинги вақтлардагина манфаатли бўлиб қолди. Шу вақтга қадар мамлакатнинг бошқа территориясидан ажралиб қолган узоқ районларда янги портлар ва темир йўллар, янги шаҳарлар ва коммунал корхоналари қуришга миллион-миллион доллар пул керак. Штатларнинг ҳукуматлари ва федерал ҳукумат капиталистик монополияларга кўмаклашиб, ана шу қурилиш ишларининг катта қисмини давлат ҳисобига бажариб бермоқда.


Икки факторнинг уйғунлашуви фойдали қазилмаларнинг ана шу янги конларни ишга солиш учун зарур бўлган катта капитал сарфлашни рентабел бир иш қилиб қўймоқда. Бу факторларнинг бири япон фирмаларига темир-руда етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли битим тузишдир. Иккинчи океан кемалари—руда ташувчи кемалар қуриш йўли билан сув орқали узоқ масофага юк ташиш проблемасининг ҳал қилиниши иккинчи фактордир. 1966 йилга қадар имзоланган битимлар тахминан 3 миллиард долларлик темир-руда етказиб бериш тўғрисида ҳам Япония билан 10 йиллик битим тузган. Япония Австралия мис рудасининг энг йирик истеъмолчиси ҳамдир: 1965—1966 йилда экспорт қилинган шу руданинг 99 процентини Япония сотиб олди.

Руда ташувчи кемалар аввалги жуда қиммат транспорт чиқимларига эҳтиёж қолдирмайди. Бир тонна рудани темир йўл орқали 250 миля масофага ёки тош йўлдан юк автомашинаси билан 100 миля масофага элтиб бериш учун қанча чиқим қилинса, худди шу маблағ билан бир тонна рудани денгизда тахминан 5 минг миля масофага элтиб бериш мумкин бўлади.

Фойдали қазилмалар янги конларини очишдан олинишн мумкин бўлган ана шундай фойдалар янги капиталларнн, жумладан Америка капиталларини Австралияга жалб этмоқда. 1950 йилда Америка капиталлари Австралиянинг бошқа саноат тармоқларига қараганда кон-руда ва металлургия саноатига анча жадал суръатлар билан сарфланган эди. 1950 йилдан бошлаб то 1965 йилга қадар Австралиянинг кон-руда саноатига Америка капиталини сарфлаш 14,5 баравар кўпайиб, 10 миллион доллардан 144 миллион долларга етди. Қайта ишловчи саноатда Америка капитали тўққиз баравар кўпайиб, 88 миллион доллардан 799 миллион долларга етди. Энг эски тармоқ—нефть саноатидаги капитал эса етти баравар ортиб, 62 миллион доллардан 417 миллион долларга чиқди. Америка фирмалари Австралияда нефть қидириш учун берилган хамма ҳуқуқларнинг 90 процентини ўз қўлларига киритиб олдилар ва янгидан ишга тушириладиган нефть конларини ана шу фирмалар контрол қиладиган бўладилар.

Сиёсий арбоблар, биржа даллоллари, бизнесменлар ва молиячилар, шуларнинг ҳаммаси Австралия ҳозирги вақтда ўз тарихий тараққиётининг янги босқичи арафасида турибди, деб яқдиллик билан ҳисобламоқдалар. Лекин шу нарса тамомила равшанки, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг боришини ўзгартириб юборишга ожалашмайдиган бўлса, янги босқич деб аталаётган бу босқич капиталистик монополиялар, чет эл ва Австралия монополияларн томонидан мамлакатнинг табиий бойликларини талашдан иборат аввалги эски даврнинг тағин ҳам кенгроқ миқёсидаги такрори бўлади, холос.

Эрнест КЭМПБЕЛЛ,
Австралия экономисти.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Софиянинг маркази—9 сентябрь майдони. Бу ерда Министрлар Совети, БКП Марказий Комитети, Георгий Димитров мавзолейи ва миллий бадиий галлерея биноси жойлашган. БТА—ТАСС фотоси.

АМЕРИКА АВИАЦИЯСИНИНГ ВЬЕТНАМДА КЎРГАН ТАЛАФОТЛАРИ

ХАНОЙ, 2 сентябрда Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли яшайдиган пунктларига ҳужум қилган вақтда халқ армияси ҳаво ҳужумидан мудофаа жангчилари душманнинг икки самолётини уриб туширдилар.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, аниқланган маълумотларга кўра Америка авиацияси 25, 27, 28, 29, 30 августда ва 1 сентябрда Вьетнам Демократик Республикасига ҳужум қилган вақтда, бундан илгари кўрсатиб ўтилганидан ташқари Хатин, Куангбинь ва Нгеан вилоятларида яна еттита самолёт йўқотган.

ВИА агентлигининг хабарига кўра ВДР территорияси устида уриб туширилган Америка самолётларининг жами сони 2258 тага етган.

(ТАСС).

СОВЕТ-ВЕНГРИЯ ДЎСТЛИГИ ТЎҒРИСИДА ВЕНГРИЯ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БУДАПЕШТ, 4 сентябрь. (ТАСС). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет-Венгрия шартномасининг амал қилиш муддати 1968 йил февраль ойида тугайди. Шу муносабат билан «Непсабадшаг» газетаси «Миллий юксалиш шартномаси» сарлавҳали мақоласида бизнинг Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз ўтган 20 йил мобайнида ҳаётимизнинг табиий бунёдкорлик омилига айланди, деб ёзади. Мана шу шартномани янгилаш учун яқинда Венгрияга Совет партия-ҳукумат делегацияси келади, деб уқтириб ўтади газета.

Венгрия Халқ Демократияси фақат Совет-Венгрия шартномаси туфайли ривожлана бошлаганлиги, деб таъкидлайди газета, тарихий омилдир. Венгер халқи шу йигирма йил мобайнида аввалги бир асрдагига қараганда қаттарок йўлни босиб ўтди. Мана шунинг ўзи венгер-совет дўстлигининг тарихий аҳамиятга эга эканлигини ва Венгриянинг келгуси 20 йилида ҳам ҳаётий кучларининг гарантияси эканлигини исбот этади.

Швецияда транспорт ўнг томондан қатнай бошлади

СТОКГОЛЬМ. Швеция Ғарбий Европада транспортнинг чап томондан қатнови сақланиб қолган жуда оз мамлакатлардан бири эди. Швеция ҳам 3 сентябрдан бошлаб транспортнинг ўнг томондан қатновига ўтди. Мамлакат ҳаётида бу воқеага тўрт йил давомида жуда жиддий тайёргарлик кўрилди. Швеция фақат давлат бюджетидангина бунинг учун 600 миллион крондан кўпроқ маблағ сарфлади.

Ҳозирги вақтда жаҳондаги 60 мамлакатда транспорт чап томондан қатнамоқда. Ҳозирча Европада Англия, Исландия, Кипр, Ирландия ва Мальта шундай мамлакатлар жумласидандир. Бироқ Исландия ҳам Швециядан намуна олиб 1968 йилдан бошлаб транспортнинг ўнг томондан қатновига ўтади.

БМТ резолюциясига хилоф равишда

ЛОНДОН. Англиянинг «Файнэншл таймс» газетаси хабар беради: Жанубий Африкадаги «Атлас аэркрафт» корпорацияси орқали Родезияга Италия самолётлари келтирилди. Италиянинг «Аэрмачи» фирмаси Родезияга самолётлар сотишни тақиқлаш тўғрисида БМТ хавфсизлик кенгаши резолюциясини бузиб, шу самолётларни юборди, деб уқтириб ўтади газета.

Газета мазкур самолётлар Родезиядаги хавфсизлик кучлари Жанубий Африка Иттифоқи жандармлари билан биргаликда Африка ватанпарварлари отрядлари билан жанг олиб бораётган бир вақтда Родезияга келтирилганлигига диққатни жалб этади.

ЛЕЙПЦИГ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ЛЕЙПЦИГ, 4 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг ташқи иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи министри Х. Зелле кеча Лейпциг халқаро кузги ярмаркасини очиш тантанали маросимида сўзга чиқди. Ингилишда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф ва ГДРнинг бошқа раҳбар партия ҳамда давлат арбоблари, республика жамоатчилигининг намояндалари, чет эллардан келган меҳмонлар, шу жумладан СССР Савдо министри А. И. Струев бошчилигидаги совет делегацияси ҳозир бўлди.

Виставка очилиши биланоқ, Совет экспозицияси томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этди. Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари ва ГДРнинг бошқа раҳбар арбоблари Совет павильонини келиб кўрдилар. Меҳмонларни Совет экспозициясининг директори В. П. Запорожец самимий табриклади.

ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф экспозицияни кўриб чиққандан кейин бундай деди: «Биз Совет Иттифоқидаги ўртоқларга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган экспозиция учун самимий миннатдорчилик билдиришни истаймиз. Бу ерга қўйилган экспонатлар бизда унутилмас таассурот қолдирди. Бу экспонатлар кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда Совет Иттифоқининг зўр тараққиётга эришганлигини ёркин намойиш қилади. Совет ўртоқларимизга совет халқининг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қиладиган кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришда янада муваффақиятлар тилаймиз».

ЗАВОД ЭШИГИДА НАВБАТ КУТИБ...

САБЗАВОТ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Далаларда тўкин пишиқчилик. Далада, боғда, фермада ким билан гаплашсангиз эл дастурхонини мўл-кўл қилиш йўлида қурашаётганлигини айтади. Уларнинг бу ажойиб меҳнатлари ҳаммани кувонтиради. Сабзавотчилар, боғбонлар олиб келаётган бунча кўп маҳсулотни қабул қилиш ва қайта ишлаш учун имкониятимиз ҳам йўқ, кучимиз ҳам етишмайди дейдилар. Гап шу ҳақда кетганда қонуний бир савол туғилади. Юқори ташкилотлар томонидан колхоз ва совхозларга эрта кўкламда экин экиш плани берилганда қима учун тайёрлов ва қайта ишлов корхоналарида ана шу планда мўлжалланган маҳсулотни қабул қилиб олиш, қайта ишлаш учун тегишли техника шароити яратиб бериш тўғрисида қатъий ўйланмаган. Деҳқонлар палон гектар ерга экин экяпмиз, шундан мана шунча ҳосил топширамиз деб айтганлар. Тайёрлов ва маҳсулотни қайта ишлаш органлари эса кўкламда деҳқонларга:

— Қани, сизлар шунча маҳсулотни етиштираверинглар-чи, ерда бунга ким жавобгар?

Шу йил кўкламда область партия комитетида бўлиб ўтган йиғилишда савдо, тайёрлов ва маҳсулотни қайта ишлаш органлари ходимларининг ишига: уларнинг сабзавот маҳсулотларини сотишни, етказиб беришни ва қайта ишлашни қай даражада амалга оширишлари, Айрим савдо ташкилотлари, жумладан Ленин райпишчеторги (директори ўртоқ Х. Маҳмудова), Чилонзор райпишчеторги (директори ўртоқ П. С. Пономарев), «Горкооторг» бошлиқлари колхозлар билан шартнома тузган бўлишларига қарамай, транспорт етишмаяпти баҳонасини рукач қилиб, ўзлари учун белгиланган сабзавот ва мевани айтилган муддатда олиб кетмаётирлар. «Ташплодовощторг»нинг кўпчилик тайёрлов пунктларида эса аҳвол бундан ҳам ачинарли. Машиналарда келиб турган маҳсулотни нега олмаяпсизлар десангиз иш ёмон ташкил этилган пунктларнинг раҳбарлари:

— Биз сиз билан шартнома тузганимизда ҳар куни шунча тонна, ойда мана бунча тонна маҳсулот оламиз деган эдик. Сизлар бўлсангиз шартномадагига қараганда бир ярим—икки ҳисса кўп маҳсулот олиб келаяпсизлар деган эътирозни билдиришади. Шуни, мўлкўл сабзавот ҳосили етиштирган деҳқонга муносабат. Ахир, сабзавот ва мевани ҳаммага ҳам бир хилда экиб-етиштирилган-ку. Экин экишни планлаштиришга бошчилик қилувчи ўртоқлар бизга топшириқни берганлар-у, лекин тайёрлов ва маҳсулотни қайта ишлаш органларини ана шу ерлардан чиқадиган ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олишни яхши йўлга қўйишлари талаб этилади.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.



Ҳурматли газетхон, Тошкент консерва заводи дарвозаси олдида турнақатор турган бу машиналарни кўриб балки сиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келган қизил карвон деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ, ундай эмас, булар заводга маҳсулотини вақтида ўтказолмай бир-икки кунлаб навбат кутиб ётган машиналардир.

А. Абалян фотоайбномаси.

БУГУН ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР КУНИ

МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳар йили 5 сентябрь куни ҳарбий хизматга чақирилувчилар кунини нишонлаш яхши анъанага айланиб қолди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрами арафасида бу кун зўр сиёсий кўтаринкилик руҳида ўтказилмоқда.

Бу йил традицион кунни Тошкент области ва шаҳрининг меҳнаткашлари мамлакатимизнинг ярим асрлик тўйини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ кураши авж олдирилган шароитда, социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада ошган ҳолда нишонлаётирлар.

Севимли коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз ленинча тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар, янги жаҳон уруши хавфини бартараф этиш учун астойдил курашмоқдалар. Бироқ империалистик доиралар ўз агрессив ҳаракатлари билан халқаро кескинликни кучайтиришга уринмоқдалар. АҚШ қуролли кучлари узоқ вақтдан буён Вьетнам халқига қарши шармандали уруш олиб бормоқда. Унинг миқёсини тўхтовсиз кенгайтирмоқда. Маълум империалистик доиралар ёрдами билан Исроил агрессорлари араб давлатларига қарши босқинчилик қилдилар. Ғарбий Германиядаги нацизм ва милитаризм кучлари ҳамон қора ниятларидан қайтмаётирлар.

Партия ва ҳукуматимиз тинчлик душманларининг найранглариии ҳушёрлик билан кузатиб бормоқдалар ва Ватанимиз хавфсизлигини таъминлашнинг зарур чораларини кўрмоқдалар.

Ватанни ҳимоя қилиш учун маҳоратимизни кун сайин ошириш, ҳамиша ҳушёр ва шай ҳолда туриш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Партия, совет, комсомол ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳарбий комиссариатлар ёшларнинг бугунги байрамига пухта тайёргарлик кўрдилар. Область комсомол-ёшлари революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойлари бўйлаб ўтказилган юриш голибларининг учинчи республика ва Бутуниттифоқ слетларида актив қатнашдилар. Совет кишиси учун муқаддас бўлган жойлар бўйлаб Тошкент, Бурчмулла, Оҳангарон, Янгийўл, Бекобод, Самарқанд, Бухоро, Душанба бўйлаб юрилар экан, ёшлар олдида областнинг, республиканинг ва қардош халқлар тарихининг ажойиб саҳифалари намоён бўлди. Ҳар бир шаҳар, қишлоқда жасорат кўрсатган оталар изини кўриш мумкин эди.

Ёшлар юриши голибларининг III Бутуниттифоқ слетига тайёргарлик кўриш ва унда қатнашиш областимиз ёшлари ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини активлаштиришга ёрдам берди.

Шаҳар ва областда юзлаб музейлар, жанговар шуҳрат хоналари ва бурчаклари очилди. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига Калинин районидаги Ленин номли колхозда, Оҳангарон шаҳрида, Янгийўл районида ва бошқа жойларда ҳайкаллар ўрнатилди.

Бундан бир ой муқаддам уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов мемориал музейи очилди. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни областимизнинг ҳамма район ва шаҳарлари ёшлари бу жанговар шуҳрат музейига борадилар.

Студент ёшлар ўртасида ҳам ҳарбий-ватанпарварлик тарбиси жонлантирилди. Тошкент Давлат педагогика институтида, политехника, тўқимачилик ва медицина институтларида бу иш яхши йўлга қўйилди.

Тошкентликларнинг армия хизматидаги ёшлар билан алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги, Тошкент гарнизони, олий умумий ҳарбий командирлик ва танкчилар билим юртлари, ҳарбий қисмларнинг партия ва комсомол ташкилотлари ёшларни қардош халқлар армия хизматига тайёрлашда катта ёрдам бермоқдалар. Ёшлар билан ишлашда партия, революция, армия ветеранлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари катта ишлар қилмоқдалар. Истеъфодаги 76 ёшлик подполковник Акбарали Хўжаев, медицина хизмати капитани Борий Темиров, майор А. Муродхўжаев, капитан М. Киргизов ва И. Магометов, майор У. Тоиров ва А. Ҳошимовларнинг ёшлар билан ўтказган суҳбатлари жуда қизиқарли бўлди.

Областнинг ҳамма район ва шаҳарларида ўрта мактабларни битириб чиққан йигитлар билан «Офицерлар куни» ўтказилди. Натижада мактабларни битириб чиққан кўпгина ёшлар ҳарбий билим юртларига ўқишга кирдилар.

Чирчиқдаги электрохимия комбинатида, Октябрь революцияси номли заводда, Тошкент трактор-йиғув заводида, тўқимачилик комбинатида ва бошқа корхоналарда партия ва комсомол ташкилотлари хизматга чақирилувчи ёшлар билан алоҳида иш олиб бормоқдалар. Ёшларни ҳарбий иш асослари билан таништириш, отиш, машинани бошқариш, телеграф аппаратида ишлаш, парашютдан сакрашга ўргатиш бу жойларда муҳим соҳага айланган. Бу корхоналарда отиш ва автомотосекциялар мунтазам ишлаб туради.

Пойтахтимиздан ва пойтахт областидан армияга чақирилган ёшлар ўз ҳарбий бурчларини шараф билан ўтамоқдалар. Янгийўл районидан ҳарбий хизматга чақирилган Мирза Тиллабоев, Қатортол қишлоқ Советидан хизматга чақирилган Умаржон Алижонов, пойтахтимизнинг Киров районидан Ўғил Ҳолиқов ва бошқа жуда кўп йигитлар жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларидир. Чақирилувчилар куни олдидан ҳарбий комиссариатлар ўнлаб ҳамшаҳарларимизнинг фотосуратларини ва бўлим командирларининг улар ҳақидаги миннатдорчилик хатларини олдилар.

Чақирилувчилар кунини пойтахтнинг Октябрь, Киров, Куйбишев, Фрунзе ва Чилонзор район ҳарбий комиссариатлари ҳамда областнинг бир қатор шаҳарлари ҳарбий комиссариатлари «Ватан ҳимоясига тайёр бўл» значоги эгалари ва разрядли спортчилар тайёрлашда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар.

Областнинг ҳамма шаҳар ва районларидаги ҳарбий комиссариатлар ўртасида область партия комитети ва область ижроия комитети ҳамда Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олиш учун социалистик мусобақа кизитиб юборилган.

Армия сафига навбатдаги чақирилишни ўтказиш муҳим сиёсий тадбирдир.

Яқин кунларда чақирик комиссияларн иш бошлайдилар. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар медицина кўригидан ўтадилар. Улар билан чақирик комиссияларининг аъзолари суҳбатлашадилар. Агитпунктларда революция, уруш ва меҳнат ветеранлари оталаримизнинг ва акаларимизнинг қаҳрамонона ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиб беришади.

Ҳарбий комиссариатлар ходимлари зиммасига кўпгина муҳим жамоат ишлари юклатилган. Улар армияга малакали ёшларни тайёрлаб беришлари, запасдаги ва истеъфодаги офицерлар, уруш ветеранлари ва инвалидлари, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳақида қайғиришлари лозим. Улар муҳим сиёсий ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари ҳам олиб борадилар.

Партия, совет ва жамоат ташкилотларийинг актив ёрдами ва кўмагида ҳарбий комиссариатлар ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажариб, жанговар ватанпарварларни тарбиялаб қуролли кучларимизга муносиб ўринбосарлар етказиб берадилар.

С. ОХУНЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарининг ўринбосари, полковник.

ХИЗМАТГА ОТЛАНГАН ЙИГИТЛАР

ЧАҚИРИҚ ПУНКТИДАН РЕПОРТАЖ

Пешанасига «врач» деб ёзиб қўйилган эшик олдида бир группа армияга чақирилувчилар навбат кутиб туришибди. Ёшларнинг ҳазил-мутойбаси, гурунги бир зум тўхтамайди.

— Сени хизматга сира ҳам олишмайди, Мурод,—дейди шеригига Сувон Рўзиев.— Негаки, бўйинг паст, эту устихон қолгансан...

Сувонининг бу сўзини ҳамма қаҳ-қаҳа билан кутиб олади. Чунки унинг айтган гапларини бутунлай тескарисини тушуниш керак. Мурод Тошхўжаев йигитларнинг ичида энг забардасти. Қуёшда тобланган гавдаси кишининг ҳавасини келтиради. Узун, сертук қўлларининг мускулларини кўрган киши унинг спортни севиши, соғлом ва бақувват эканлигини пайқамай қолмайди. Тошкент кабель заводининг токари Мурод ДОСААФ тўгарагида шуғулланган, актив дружиначи ҳам. Бундан ташқари у классик кураш билан қизиқади. Кун сайин унинг спорт маҳорати ўсиб, олишувларда рақибларининг курагини ерга тегизиб келган. Армияга чақирилиш кунига келиб бу комсомол аъзоси классик кураш бўйича уч марта шаҳар биринчилигини қўлга киритди, спортнинг шу тури бўйича мастерликка кандидат номини олди. Тошхўжаев курашчилар командасига яхши тренер бўлиши мумкин.

Шериги Сувон Рўзиев ҳам ундан қолишмайди Фронтовикнинг ўғли Сувон 29-қурилиш бошқармасида буёқчилик қилади. У ҳам Армия, Авиация ва Флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамият тўгарагига қатнашиб, қуролларни, радиотехникани ўрганган.

Совет армияси сафларида хизмат қилиш олдидан бошқа чақирилувчиларнинг кўпчилиги шундай тайёргарликдан ўтишган. Масалан. Рустам Аҳмаджонов, Николай Охрименко, Комил Сулаймоновлар ДОСААФ ҳузуридаги шоферлар курсини тамомлаб, 3-класс шофери гувоҳномасини олишди. Анатолий Семин ва унинг кўпгина тенгдошлари денгизчилар клуби машғулотларн программасини муваффақиятли тамомлаб, ҳарбий касб эгалладилар.

Бир қатор чақирилувчилар радиотехника, парашют спорти бўйича яхшигина тайёргарлик кўришган. Шубҳасиз, бундай йигитлар армия коллективи сафига тезроқ кириб оладилар, тегишли нормативларни муваффақиятли топширадилар.

Военкомат ходимлари чақирилувчиларни қабул қилишга яхши тайёргарлик кўрдилар. Комиссия умуман аниқ ишламоқда. Кўргазмали агитация осиб қўйилган. Запасдаги офицерлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари чақирик пунктида ёшлар билан суҳбатлар ўтказишмоқда, уларга Ватан ҳимоячиларининг мақсад ва вазифаларини, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» ҳақидаги Тезисларни тушунтирмоқдалар.

Запасдаги подполковниклар Н. Ларичев, А. Деборин қизиқарли лекциялар ўқишди. Ёшларга, шуниигдек Туркистон ҳарбий округининг жанговар йўли ва унинг шон-шуҳратини кўтарган Ленин партиясининг М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Д. А. Фурмонов, П. Е. Дибенко каби таниқли арбоблари ҳамда бошқа талантли ҳарбий бошлиқлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Чақириқ пунктида ҳарбий хизматга чақирилувчиларга ҳарбий ишни пухта билиш, оталар ва акалар жанговар шуҳратининг муносиб меросхўрлари бўлиш уктирилмоқда.

Совет Қуролли Кучлари сафига ҳар томонлама етук ёшлар чақирилмоқда.

Ф. ЛОБЗИН,
Чилонзор район ҳарбий комиссариати.

ҲАР ТЎҒРИДА

АСАЛ ВА ПАХТА

Ғўзаларни асаларилар ёрдамида сунъий чангламаса қандай бўларкин? Мутахассислар шундай қилиб ҳам кўришди.

Областимиздаги «Оққўрғон» совхози тажриба объекти қилиб белгиланди. Буни қарангки, бир ўқ билан икки қуён урилди: ҳам асаларн асали шифо, ҳам пахта ҳосилдорлиги ортди.

ЖОНВОРЛАР ЙЎЛНИ ҚАНДАЙ ТОПИШАДИ?

Ҳар қандай жонворда ҳам йўлни топиш ҳисси бор. Бу ҳис одамларда жуда заиф, лекин от ва мушукда ҳаддан зиёд зўр бўлади.

Хўш, бунинг «сири» нимада? Машҳур грузин олими академик И. Бериташвили раҳбарлигида тадқиқотлар олиб бораётган бир группа илмий ходимлар бу борада кўп чигалнинг учини топдилар.

Маълум бўлишича, жонворларнинг ўз турган жойини, борадиган манзилини ҳис этиши уларнинг ҳужайралари ичида мавжуд бўлган «биологик соат» билан, туғма ва шартли рефлекслар билан узвий боғлиқ экан.

ЕРДАН ОЙГАЧА

Соғлом кишни бир кунда тахминан 20 минг, бир йилда 7 миллион, 70 ёшга киргунча эса 500 миллион қадам босаркан. Кишининг бутун умри давомида босадиган йўли Ер шарини экватор бўйлаб 9 марта айланиб чиқиш билан баробар ёки Ердан Ойгача бўлган масофага тенг.

СУД ЗАЛИДАН

ЭГРИ ҚЎЛЛАР

Чкалов номли авиация заводи транспорт бўлимининг Умурзоқ Эгамбердиев, Махсум Галипов каби шоферлари Тошкент қурилишлари учун Янгийўл ғишт заводидан бир қанча вақт ғишт ташиб юришди. Нима бўлди-ю уларнинг нотавон кўнгиллари мўмай пул топишни истаб, кўзлари тўғри йўл қолиб, эгри йўлни мўлжалга оладиган бўлиб қолди. Бу эгриқўл шоферлар завод экспедитори Гойхман билан гапни бир ерга қўйиб, қурилиш учун келтирилган ғиштларни чакана баҳода сотиш ва мўмай пул топиш йўлига ўтишди. Улар ана шу йўл билан Ленин номли колхознинг Бердиев ва Одилов каби аъзоларига ҳар минг дона ғиштни 25 сўмдан пуллашди. Лекин бу ўғрилик узоққа бормади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда эмас, қирқ кунга ҳам бормай чиқди. Улар сўнгги машина ғиштини пуллашаётганда сезгир милиция ходимлари томонидан қўлга туширилди.

Яқинда бу ғишт ўғрилари Янгийўл шаҳар суди олдида ўз қилмишлари учун жавоб беришди.

А. МИРПЎЛАТОВ,
милиция майори.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

„КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА" ГАЗЕТАСИНИНГ СТИПЕНДИЯСИ

Ўтган йили 1 сентябрда «Комсомольская правда» газетаси редколлегияси қарори билан газета стипендияси таъсис этилган эди. Бу стипендиялар мамлакатимиздаги бешта педагогика институтларининг энг аълочи студентларига бериладиган бўлди. Стипендия миқдори 65 сўм.

«Комсомольская правда» газетаси редколлегияси 1966—1967 ўқув йилининг баҳорги имтиҳон сессиялари натижаларини кўриб чиқиб, навбатдаги газета стипендиатларини белгилади. Чунончи, Москва Давлат педагогика институти, Ульянов педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртлари студентлари қатори Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг IV курс студенти Турсунбек Носиров ҳам бу стипендияни олади.



Халқимизнинг севимли шоири Мақсуд Шайхзода Озарбайжон тупроғида туғилиб, сўнг ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган ижодкор эди. Яқинда Тошкентга ташриф буюрган Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти ходими, филология фанлари доктори Аббос Замонов шоирнинг киндик қони тўкилган муқаддас тупроқдан бир сиқим олиб келди. Меҳмон шоир қабрини зиёрат қилиб, Шайхзода дафн этилган жойга озар тупроғини қўйди.

Шу куни ажойиб шоир, таниқли олим, драматург ва моҳир педагог Шайхзода хотирасини эслаб бир группа ўзбек ёзувчи ва шоирлари ҳам унинг қабрига боришди. Суратда: (чапдан) шоир Шуҳрат, ёзувчи Мумтоз Муҳамедов, озарбайжонлик филология фанлари доктори Аббос оға Замонов ва драматург Иззат Султон шоир қабри устида.

А. Абалян фотоси.

СПОРТ ЎРИНБОСАР

Унинг спорт биографияси қисқагина.Тўғрироғи энди бошланяпти. 18 ёшга кирган йигит ишларни ҳам қилишга улгурарди, дейсиз. Саккиз йиллик мактаб, спорт интернати, «Пахтакор» мастерлар командаси....

Ҳа, у ҳозир севимли футбол командамизнинг «кенжатойи». Ўтган йили кузда бу чарм тўп шайдосининг маҳоратини футболчилар «профессори»—«Михей амаки» пайқаб қолган эди. Михаил Иосифович Якушин ва Евгений Борисович Валицкийлар ўйлаганича бўлиб чиқди. Янги ўйинчи дастлабки мусобақадаёқ рақиб дарвозасига тўп уриб берди.

Тўлаган Исоқов Куйбишевда «Крилья Советов» командаси билан бўлган бу ўйинни сира эсидан чиқармайди...

Хўш, унинг катта футболга қириб келиш тарихи қандай?

Тўлаган Октябрь районидаги 75-мактабда ўқиб юрган йиллариёқ тўпдан айрилмасди.

— Сенинг истеъдодинг — футболда,—дерди физкультура ўқитувчиси Одил ака Қаюмов ёш шогирдининг тинимсиз машқларини кузатаркан.

Мактаб командасининг олти ўйинчисини «Спартак» ёшлар командасига қабул қилишди. Ёш футболчи саккизинчи синфни тугатгач, иккиланиб ўтирмай тўғри спорт интернатига кириб, ўқий бошлади. Бу ерда тренер Яков Аранович унга маҳорат «сир»ларини янгидан ўргатишга киришди. Интернатнинг умидли ёшлари қатори уни Ўзбекистон терма командаси составига олишди. Бу терма командаиинг бутуниттифоқ «Ёшлик» кубоги мусобақаларида эришган муваффақиятларини ишқивозлар яхши билишади. Тўлаган Кисловодскда бўлган финал ўйинларининг ҳаммасида майдондан тўп урмай чиқмаган.

Кечагина эди. Ўлмас ака ўгдини «кўча чангитиб юрганда» учун койирди. Ҳозир ўша ота-ни кўрсангиз... Катта футбол кунлари стадионга ҳаммадан барвақт отланади. Минг-минглаб футбол мухлислари сафидан жой олади: ўгли ҳамда унинг ўртоқлари ўйинини ҳаяжон билан кузатади.

Тўлаган «Қайрат» дублёрлари дарвозасига иккита тўп урганда ишқибозлар:



Суратда: Т. Исоқов.

— Балли, азамат! деб уни самимий олқишлаган эдилар. Фарзандининг муваффақияти отанинг руҳини ҳам қанчалик кўтариб юборганини билсангиз эди.

Тўлаган Исоқов «Пахтакор» командаси составида чет элга ҳам борди. Польшада бўлган халқаро ўртоқлик учрашувларида тренерлар уни икки марта майдонга туширдилар. Ёш ҳужумчи командадош дўстларининг юзини ерга қаратмади.

Унинг ҳаётида яқинда яна бир қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистон Давлат физкультура институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, студентлик билетини олди.

Тўлаган билан бирга пахтакорчи Равшан Юнусов ҳам футбол бўйича олий маълумот олишга қарор қилди. Маълумки, коллективнинг аксарияти ана шу институт таълимини олган йигитлардир. Булар орасида биз Юрий Пшеничников, Геннадий Красницкий, Ҳамид Раҳматуллаев, Эркин Абдураимов, Ахрол Иноятов, Баҳодир Иброҳимовларни кўрамиз. Футболни ўқиш билан қўшиб олиб бориш қанчалик мураккаб бўлмасин, Тўлаган бунинг уддасидан чиқади. Чунки у ўзини бутунлай мана шу соҳага бағишлаган. Пахтакорчилар тренери Борис Аркадьев командининг эртасини Тўлаганга ўхшаган умидли ёшлар билан боғламоқда.

— Исоқовга ишончимиз катта. Шу ғайратини бўшаштирмаса у эрта-индин асосий составдан ўрин олади,—дейди ўртоқ Аркадьев.

...Ёш ниҳол, агар у яхши бўлса дарҳол кўзга ташланади. Унинг парвариши ўрнига қўйилса, иссиқ совуққа чиниқтирилса, яхши ҳосили билан ҳамманн хурсанд этади. Тўлаганнинг ҳам шундай бўлиб етишишини истардик. Ўйлаймизки, бу ёш футболчи шуҳрат пиллапоясидан қоқилмай юқорига кўтарилиб боради.

С. МУСАЕВ.

Наталья БУРОВА

АНОР ГУЛЛАРИ...

Анор гуллари... О, лоларанг гуллар.
Кўриб лол қолур, кўз очган ҳайрон.

Қошида гиргиттон асаларилар,
У билан тинмайин ўйнашар гужғон.

Олисдан нордайди чинилдек гўё.
Қалбимни ўзига айлайди маftун.

Бахмалдек товланган гулда минг жило,
Гўзаллик шоҳидн бўлдим ўша кун.

Оҳ анор сувлари дардларга даво.
Қанчалар кишига бағишлар ҳузур.

Ҳатто томчисига кўзинг тушган чоғ,
Мисоли лаълидек таратади нур.

Ундан ғурур билан фахрланар Шарқ.
Алвон-алвон гулга чўмган ҳар ёғи.

Ҳаттоки кун сайни майса урар барқ,
Жумлаи жаҳонга ёйилган донғи.

Сеҳргар оҳу кўз аёлларичи,
Анорнинг гулидек мусаффо гўзал!

Серишва, ибодн ҳаёларичи,
Таърифи туганмас ўзи бир ғазал!

Русчадан Р. Нурматов таржимаси.



Суратда: Пойтахтимизнинг ёш спортчиларидан иккинчи разрядли теннисчи З. Раҳматуллаев ўз тренери раҳбарлигида машқ қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ўзбек тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси. 18.00—Бизнинг қизил майдончамиз (болалар учун). 18.20—Октябрь бунёд этган шаҳарлар. Тошдаги гул (Телеочерк 18.35—КПСС Марказий Комитети тезислари—оммага. 18.55—Телефильмлар. 19.15— Тўрт танкчи ва ит (телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси). 20.05—Академик ва композитор Юнус Ражабий юбилейи муносабати билан. Музыкамиз отахони. 21.35—Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 21.40—Телефильмлар. 22.20—Мен солдатман онажон (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси. 18.00—Сиҳат—саломатликни сақлаш ҳақида халқаро семинар. 18.20— Тонгда қатл этилганлар (бадиий фильм).

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.45—Эшиттиришлар программаси. 19.50—Москвада Молдавия ССР ҳафталигига. 20.00—Москвада Молдавия ССР ҳафталигининг очилиши. 21.00—Телефильмлар. 21.20—Россия, менинг ватаним. 21.40—Ёшлик сенга. 22.30—Музыкали маяк. 22.35— Ярим аср йилномаси. 1929 йил (ҳужжатли фильм). 23.35—Телефильмлар.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ОЛМАОТА КУРСАТАДИ

Курдастар ижодий бирлашмаси 18.00—Бизнинг глобус. Киносаёҳат. 18.40—Юлдузча тележурнали. 19.10—Олтиндан деган эшиттириш.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30—Эшиттиришлар программаси. 19.35—Катта умид (телевизион бадиий фильм).

Рус тилида: 20.30—Болдина кузи (ҳужжатли фильм). 20.50—Сенинг саломинг (фильм-концерт). 21.20—Чилвик қироли (телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ телеспектакль).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—5/IX да Парвона, 6/IX да Қотил.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—6/IX да Нурхон.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Нафосат— «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқуруи), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тинчлик қизилари — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Венгер бойи — «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Одам-амфибия — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 минуту ва 10 яримда)

Нафосат — «ХИВА», НАВОИЙ НОМЛИ.

Тинчлик қизилари— «ФЕСТИВАЛЬ».

Узбекистон КП Марказий Комитетининг ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий, безакли

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИГА

1 сентябрдан

ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна нархи:

Бир йилга 3 сўм 60 тийин
Олти ойга 1 сўм 80 тийин
Бир сони 30 тийин.

Обуна ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«Гулистон»га обуна чекланмаган, аммо унга ҳозирдан ёзилиб қўймаган кишилар армонда қолади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01196.
Индекс — 64697.
А. 1738.